

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Қ.Бозоров	
Андижоннинг сугорилиш тарихига доир муроҳазалар	81
У.Усаров	
ХІХ асрнинг иккинчи ярми – ХХ аср бошларида Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ва ер-сув муносабатлари.....	85
Б.Шодмонов	
Ўзбекистон ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилишининг тарихий босқичлари	90

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.Акбаров	
“Кечиккан марҳамат” нинг бадиий ифодаси.....	98
Г.Қосимова	
Мемуар асарда муаллиф услуби ва ифода шакли	102
Б.Абдураҳмонова	
Оғаҳийнинг “Устина” ғазали матни устида ишлаш	105
В.Қаюмов, Б.Деҳқонов	
У.Ҳамдамнинг “Кўнглимдаги дарё” хикоясида дарё образи.....	110
О.Солиева	
Нишотий мухаммасларининг матний-қиёсий таҳлили (II қисм)	114

ТИЛШУНОСЛИК

Р.Сайфуллаева, П.Бобокалонов, Н.Ҳаятова	
Хорижий тилни ўргатишда психонейролингвистик ҳолат ва каноник моделли гапларнинг ўрни	119
З.Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилидан ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида.....	124

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

М.Ахмедова	
Тиббиёт олий ўқув юртлари талабаларида чет тилида қасбий-коммуникатив компетенцияни шакллантириш масалалари	128
М.Шокирова, Н.Абдуллаева	
Талабаларнинг чет тилида коммуникатив компетенциясини ривожлантиришнинг фаолиятга асосланган ёндашуви.....	132
У.Хайдарова	
Талабаларнинг ёзма ишларига билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти	136

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Ўнг томони номаълум бўлган иккинчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун чегаравий масала	140
В.Расулов, Р.Расулов, Б.Ахмедов, А.Абдухоликов, У.Раимжонова	
Яримўтказгичларда эффектив гамильтонианнинг нодиагонал матрицавий элементлари ҳақида	143
Х.Майдинов	
Қорақалпоғистон шароитида қорамол тери ости бўкаларининг турлари ва тарқалиши	147
Б.Усманов, Ш.Умурзакова	
Буғдор навлари сифатининг физик-кимёвий кўрсаткичлари	150
Ф.Юлдашев, Д.Обидова	
Ёшлиар камолотида инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойилларини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари	153
А.Мамаджанов	
Конституция – давлат ҳуқуқий тизимининг асоси	156
М.Шамсиева	
Ижтимоий ҳимоя инсон тараққиёти индексини белгиловчи асосий мезон сифатида	159

УДК: 8.07+412.3

ЎЗБЕК ТИЛИГА ФОРС-ТОЖИК ТИЛИДАН ЎЗЛАШГАН ПРЕФИКС ВА СУФФИКСЛАР ХУСУСИДА

О ПРЕФИКСАХ И СУФФИКСАХ, ЗАИМСТВОВАННЫХ УЗБЕКСКИМ ЯЗЫКОМ ИЗ ПЕРСИДСКО-ТАДЖИКСКОГО ЯЗЫКА

ON BORROWING PREFIXES AND SUFFIXES FROM PERSIAN-TAJIK LANGUAGES INTO UZBEK

3.Алимова

Аннотация

Мақолада форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўзлашган префикс ва суффикслар хусусида сўз боради. Ўзбек тилида сўз ясалишининг семантик, фонетик, синтактик-лексик, аффиксация ҳамда композиция усуллари мавжуд. Мақоланинг мақсади форс-тожик тилидан ўзлашган аффикс ва суффиксларнинг ўзбек тили сўз ясалиши жараёнида фаол иштирок этиши ҳақидаги маълумотни ёртишдан иборат.

Annotation

Данная статья посвящена изучению префиксов и суффиксов, заимствованных узбекским языком из персидско-таджикского языка. В словообразовании узбекского языка существуют такие способы, как семантический, фонетический, синтактико-лексический, аффиксация и композиция. Целью статьи ставится освещение данных об активном участии в процессе словообразования узбекского языка аффиксов и суффиксов, заимствованных из персидско-таджикского языка.

Annotation

This scientific article is devoted to the study of borrowing prefixes and suffixes from Persian-Tadjik language into Uzbek. In wordformation of the Uzbek language, there are the following methods, as semantic, phonetic, syntactic-lexical, affixation, and composition. The purpose of the article is to give an explanation about affixes and suffixes borrowed from Persian-Tajik language, which are actively involved in the word formation of the Uzbek language.

Таянч сўз ва иборалар: форс-тожикча сўзлар, ўзбек тилининг лексик қатлами, префикс, суффикс, аффиксоид, от, сифат, феъл, равиш, сўз туркумлари.

Ключевые слова и выражения: персидско-таджикские слова, лексический слой узбекского языка, префикс, суффикс, аффиксоид, существительное, прилагательное, глагол, наречие, части речи.

Keywords and expressions: Persian-tadjik words, lexic layer of Uzbek language, prefixes, suffixes, affixoid, noun, adjective, adverb.

Сўз ясалиши тилнинг икки сатҳи билан узвий алоқадордир. Сўз ясалиши жараёни морфемалар қўшилуви билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, у морфология, тўғрироғи, морфемика билан туташади. Ясовчи морфема билан асос, морфеманинг қўшилуви натижасида эса янги лексема вужудга келади. Демак, ясама сўз сўз ясалиш ҳосиласи бўлган бирлик саналади ва бу билан лексикология материалига айланади.

Хона, нома, гоҳ каби тожикча лексемалар, ўзбек тилида мустақил ишлатилишидан ташқари, ошхона, маълумотнома, оромгоҳ каби лексемаларнинг таркибида ясовчи қисм сифатида қатнашади; бир қанча лексемаларга қўшилувчи қисм бўлиб келгани сабабли мустақил лексемалик ҳолатидан аффиксоидлик ҳолатига ўтган [1,33]. Бундай ўзлашмаларга босмахона, ётоқхона, ишхона, кўчатхона, отхона,

ошхона, оғилхона, сигирхона, сомонхона, тўйхона, қороевулхона, қўйхона, билдиришнома, бўёқхона, йўрикнома (ўзбекча), гувоҳнома, доринома, фармоннома, болохона, меҳмонхона, девонхона, дорихона, корхона, меҳмонхона, омборхона, паррандахона, гузаргоҳ, дастгоҳ, ибодатгоҳ, лашкаргоҳ, намозгоҳ, оташгоҳ (форс-тожик), зиёратгоҳ, истиқоматгоҳ, машшатгоҳ, манзилгоҳ, саждагоҳ, қадамгоҳ, қиблагоҳ; арзнома, ваколатнома, вакфнома, зафарнома, ижозатнома, ташаккурнома, ахлатхона, давлатхона, далойилхона, даъватнома, томошахона, хазинахона, қабулхона, қироатхона (арабий) кабиларни ҳам киритиш мумкин. Адабий ва жонли тилда кўп қўлланадиган асоснома, чевархона сўзлари негадир ЎТИЛга киритилмаган. Бизнингча, ушбу лексемалар ҳам луғат бойлигимиз таркибига киритилиши мақсадга мувофиқдир.

3.Алимова – ФарДУ тилшунослик кафедраси катта ўқитувчisi.

Тадқиқотчи А.Ураловнинг таъкидлашича, -хона аффиксоиди

ТИЛШУНОСЛИК

қўшилиши натижасида пайдо бўлган бирликлар турли хилдаги жой ва тушунчаларни, хусусан: 1) айнан нарса турадиган жой номларини; 2) айнан бир фаолият олиб бориладиган жойларни; 3) айнан янги маънодаги бирликлар ва тушунчаларни ифодалайди [2,16].

Маълумки, ўзбек тилида сўз ясалишининг семантик, фонетик, синтактика лексик, аффиксация ҳамда композиция усуллари мавжуд.

Ўзбекча сўзларга бошқа тиллардан кирган сўз-негизларга ўзбек тили аффикслари қўшилиб, ўзбек тилида ҳосил қилинган ясалмалар ҳам киради. Жумладан, ўзбек тилидаги форсча-тоҷикча сўз+ўзбекча аффикс: *жангчи*, *бедорлик*, *жойсиз*, *жудолик*, *зарли*, *захарли*, *зорлик*, *камончи*.

Ўзбек тилига ўзлашма сўзлар таркибидан кирган баъзи олд қўшимчалар (префиксгар), шунингдек, суффикс ва аффиксоидлар ўзбек тилида олдин мавжуд бўлган сўзларга қўшилиб, янги сўзлар ҳосил қила олади. Бунда форсча-тоҷик элементларидан ҳам фойдаланилади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили луғат таркибининг сўз ясалиш жараёнларида фаол

иштирок этиб, янги луғавий бирликлар ҳосил қилган бирликларга -зор (ўтзор), -дон (суёдон), -дор (унумдор), -вор (улувор), -кор//гар //пахтакор, систамгар), -соз (уйсоз), -боз (ўйинбоз), -каш (чизмакаш), -хўр (ошхўр), -паз (ошпаз), бе-(бебош), но- (номард), сер- (серсув), кам-(камгап), ҳам-(ҳамюрт), хуш- (хушбичим), ним- (нимжон) каби ўнлаб суффикс, префикс суффиксоид ва префикссоидлар киради[3,115]. Аҳолининг касбкори, ҳунарига нисбат бериш асосида шакланган оронимлар қаторида -гар суффикси иштирок этган Заргар (тоғ-Кўшработ тумани), Заргартепа (тепа – Иштихон тумани) каби мисоллар ҳам келтирилади [4,16].

Форсча-тоҷик тилидаги кўплаб феъл асослари ўзбек тилининг сўз ясалиши тизимида муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, доштан (эга бўлмоқ, бор бўлмоқ) феълининг дор ҳозирги замон асоси ҳамда дўхтан (тикмоқ) феълининг дўз ҳозирги замон асосига хос бўлган лексемаларга куйидагиларни мисол келтириш мумкин:

	Форсча-тоҷикча сўзларга қўшилади	-дор: <i>рангдор</i> , <i>панжарадор</i> , <i>оҳангдор</i> . -хўр: <i>кабобхўр</i> , <i>меваҳўр</i> , <i>майхўр</i> .
	Ўзбекча сўзларга қўшилади	-дор: <i>донгдор</i> , <i>бўйдор</i> , <i>жарангдор</i> . -хўр: <i>ошхўр</i> , <i>сутхўр</i> , <i>чимхўр</i> .
	Арабча сўзларга қўшилади	-дор: <i>манфаатдор</i> , <i>mansabдор</i> , <i>мулкдор</i> . -хўр: <i>таомхўр</i> , <i>асалхўр</i> .
	Русча-байнамилал сўзларга қўшилади	-дор: <i>машинадор</i> , <i>погондор</i> . -хўр: <i>лагмонхўр</i> , <i>мантихўр</i> , <i>кексхўр</i> .

Юқорида келтириб ўтилган дор ва хўр ўзбек тилида феъл асоси деб эмас, балки лексема ясовчи қўшимча сифатида баҳоланади.

Қизнинг **жарангдор** овози тўпланганларни сеҳрлаб қўйди (Ў.Хошимов. Дунёнинг ишлари, 47-бет).

Ўзбек тили луғат таркибида мавжуд форсча-тоҷикча аффикс, суффикс, префикс ва префикссоидлар ўзбекча сўзлардан ташқари арабча, русча, французча, немисча, инглизча, юонча, итальянча, хитойча ва яна кўплаб тиллардан кирган сўзларга қўшилади. Жумладан: *номутаносиб*, *хабаркаш*, *ижозатнома*, *муборакнома*, *воқеанавис*, *нажоткор*, *исёнкор*, *сафсатабоз*, *дуогўй*, *хилватгоҳ* (арабча), *партадош*, *сменадош*, *картошкакор*, *автомобилсоз*, *вагонсоз*, *билиардхона*, *ромсоз*, *пивохона* (русча),

грунтшунос, группабоз (немисча), *пальмазор*, *партиядош*, *романнавис*, *гардеробхона*, *журналхон*, *метросоз* (французча), *атомбоз*, *сатираанавис*, *конуссимон* (юонча), *митингбозлиқ*, *фольклоршунос* (инглизча), *газетхон* (итальянча), *сервитамин*, *ваннахона*, *инкубаторхона*, *консулхона*, *ҳамкурс* (лотинча), *лагмонхўр*, *мантихўр*, *чойхўр* (хитойча) каби.

Г.Казакбаева ўзбек тилидаги арабизмлар ҳақида сўз юритар экан, 50 дан ортиқ префикс ҳамда суффикслар мавжудлигини таъкидлаб, улар иштирокида куйидаги мисолларни келтиради: -аки (қалбаки - фальшивый); -ан (қисман - частично); -ба (бадавлат - богатый); -бад (бадбашара - некрасивый); -бар (баркамол - совершенный); -вий (оилавий - семейный); -дон (қадрдон - близкий друг); -ий (марказий - центральный) ва бошқалар [5.22].

Ўзбек тили сўз ясалишида фаол иштирок этадиган аффикслар қаторига **-кор** қўшимчасини ҳам киритиш мумкин. Мазкур аффикс ёрдамида ясалган ва ҳозирги ўзбек тилида қўлланаётган сўзларнинг асосий қисми форс-тожик тилидан ўзлашган сўзлардир: *кандакор, тезкор, устакор, соҳтакор, нобакор* ва бошқалар. Бу аффикс ёрдамида ясалган сифатлар шахс отининг белгисини билдиради. Форс-тожик тилидан **-кор** аффикси ёрдамида ясалган ўзлашма сўз(сифат)ларнинг кўпчилигида шахс ёки предметнинг ясовчи асосдан англашилган нарса-хусусиятга кучли мойиллиги фаолияти, хатти-ҳаракати, хусусияти ана шу нарса, белги билан характерли экани ифодаланади: **Хизматкор** олим дўст хузурига бориб, хожасининг буорганини билдиреди (Т.Малик. Нафс кушандалари, 60-бет).

Ўзбек адабий тилининг морфем ва сўз ясалиши тизимининг тараққиётида муҳим вазифани бажарувчи аффиксоидларга қуидагиларни киритиш мумкин: **-парвар** (ватанпарвар, болапарвар), **-параст** (акидапараст, оташпараст, офтобпараст, дунёпараст, машшатпараст), **-пўш** (гаврапўш, гилампўш), **-симон** (балиқсимон, барғсимон, бодомсимон), **-фурӯш** (балиқфурӯш, ватанфурӯш, гиламфурӯш), **-ангиз:** аламангиз (аламли); **-зада:** аламзада (алам урган, алам кўрган); **-дийда:** аламдийда (алам кўрган); **-кушо:** дилкушо (кўнгилни очувчи); **-навоз:** дилнавоз (дилни, кўнгилни эркаловчи); **-овар:** диловар (юракли, мард, жасур); **-пазир:** диллазир (кўнгилга мақбул келган, дилтортар); **-банд:** камарбанд (камари боғлик; хизматкор); **-бур//вур:** киссабур//киссавур (халтани кесувчи, киссани кесувчи); **-афруз:** дилафруз.

ЎТИЛда **дилафруз** лексемаси “кўнгилни шодлантирувчи”, “дилни қувонтирувчи” дея изоҳланади (5.I.613). Бизнингча, бундай талқин тўғри эмас. Чунки форс-тожик тилида **афрухтган** феълининг ҳозирги замон асоси бўлиб, “ёндирмоқ, куйдирмоқ” каби маъноларни ифодалайди. Шу изоҳга кўра, дилафруз лексемаси “дилни, кўнгилни ёндирувчи, куйдирувчи” каби маъноларга эга.

Тилшунос Ш.Норбоева эроний тиллар умумий лексикасига мансуб номларга Хоразм (Хўжайли, Манғит)да қўлланиладиган дўкли маъносидаги **соппаш** сўзини ҳам киритади ва бу лексеманинг асли “шаб” (кечаси)+ “пўш” (кимоқ), яъни “тунда кийиладиган бош кийим” дея таъриф беради [6.12.].

О.Аҳмедов инглиз ва ўзбек тили солиқ-божхона терминологиясида қўлланадиган терминлар қаторида **бе-**, **бар-**, **но-** олд қўшимчалари ҳамда –ий нисбий сифат ясовчи қўшимчаси иштироидаги **барқарор нарх** - **бекарор нарх**, **резидент шахс** – **норезидент шах**, **мулкий муносабатлар** – **номулкий муносабатлар** каби зид маъноли атамаларни келтиради [7.19].

Ўзбек тилига форс-тожик тилидан бир қатор олд қўшимчалар (префикслар) ўтган. Жумладан:

ба-/бо олд қўшимчаси асосан, арабча, форсча-тожикча сўзлар олдидан қўшилиб, бирор сифат-белгига эгаликни билдиради: 1) **ба/бо** + форсий сўз: **бадастир** (маълум тарзда, тартиб қоида асосида), **бажо**, **бажонидил**, **баногоҳ**, **бафармон**, **бафуржа**, **боҳабар**, **боумид** ва бошқалар; 2) **ба/бо** + арабий сўз: **бамаъни**, **батафсил**, **бамаслаҳат**, **бамайлихотир**, **бамисли**, **бамисоли**, **батамом**, **басавлат**, **бахайр**, **баҳузур**, **боадаб**, **боақл** ва бошқалар.

бе- олд қўшимчаси отлардан инкор маъносидаги сифатлар ҳосил қилади: 1) **бе + форсий сўз:** **бебаҳт**, **бебаҳо**, **бебаҳра**, **бебок** (кўрқмас, жасур) ва бошқалар; 2) **бе- + арабий сўз:** **беадаб**, **беақл**, **бехузур**, **бевасиқа** (хужжати йўқ), **бевакт**, **бейхтиёр**, **бетараф**, **бифаросат** ва бошқалар; 3) **бе + ўзбекча сўз:** **беюз**, **беиш**, **бебош**, **бесўроқ** ва бошқалар:

Агар дунёда иккита **беозор** одам бўлса, биттаси Эрмон бува (Ў. Ҳошимов. Дунёнинг ишлари, 53-бет).

бад- олд қўшимчаси асосан, форсча-тожикча сўзларнинг биринчи таркибий қисми бўлиб, ёмон, ярамас, зарарли маъноларини ифодалайди: 1) **бад+форсий сўз:** **бадбаҳт**, **бадбин**, **бадбўй**, **бадгир** (тўғри ишини, гапни тескарисига бурувчи); 2) **бад+арабий сўз:** **баднафс**, **бадхат**, **бадхаёл**, **бадфеъл** ва бошқалар:

Терговчи Байдани ҳам сўроқ қилганини, нариги учовига шу **бадбаҳт** малика бош бўлганини, лекин ташқи душманлар билан, жумладан, Рано Санграм Синх билан алоқаси борлигини рад этганини... айтиб берди (П.Қодиров, Юлдузли тунлар).

бар- олд қўшимчаси арабча ва форсча-тожикча сўзларга қўшилиб, бирор сифат ва белгига эгаликни, давомийликни, йўналишни ифодаловчи сўзлар ясади. Бу олд қўшимча **ба-** қўшимчаси билан деярли бир хил бўлган қўшимчадир: 1) **бар+форсий сўз:** **барваста**, **бардавом**, **барзанги**, **бардош**, **бардаст** (бардаст кўтармоқ – бир зўр билан

ТИЛШУНОСЛИК

ердан узиб, тик кўтармок); **2) бар+арабий сўз:** баравж, барвақт, барҳаёт, баркамол ва бошқалар:

- Аммо Бобур мирзо саргардон бўлиб юрган истеъдодлар дарёсини бир жойга йиғмоқчилар, насиб бўлса, илму санъатнинг янги бир денгизини **барпо** қилмоқчилар (П.Қодиров, Юлдузли тунлар).

дар-: 1) **от:** дарбадар; дарбон, даргоҳ, даромад; 2) **равиш:** дарвоҷе, даргумон, дарҳол, дарроғ; дарҳақиқат; 3) **модал сўз:** даркор(зарур):

Бобур қулогига жуда ёқимли туюлган бу савтни **дарҳол** таниди (П.Қодиров. Юлдузли тунлар).

нав- префикси орқали, асосан, сифат ясалади: **навжуон, навниҳол, навбаҳор, наврӯз, навқирон** ва бошқалар:

Хўмоюн эшикдан кирганида Бобур унинг чақнаган **навқирон** кўзларига...тиклиди (П.Қодиров. Юлдузли тунлар).

ним- префикси орқали ҳам сифатлар ҳосил бўлади: **нимжон, нимдумбул, нимкалла, нимкор, нимкоса, нимпушти, нимранг** (оч рангли, ёрқин эмас), **нимчорак** ва бошқалар:

-Ҳа, ана. Коса тагидаги **нимкоса** энди **куринди!** – деди Қосимбек (П.Қодиров. Юлдузли тунлар).

но- префикси орқали сифатлар ва равишлар ясалади: **сифатлар:** **нобакор, нобол, ногирон, нотоб, носоз, номеҳрибон, номард, нокас, ноумид, нохуш, ношод;** **равишлар:** **нодуруст, ножӯя, ноchor** ва бошқалар;

сер- префикси ўзбек тилида сифатлар ясади: **сербарг, сервиқор, сергап, сермаҳсул, сердаромад, серхарж, сермеҳмон, сероб, сершоҳ** ва бошқалар;

хуш- префикс орқали сифат туркумига оид сўзлар ясалади: **хушбўй, хушвақт, хушёқмас** (ишга бўйни ёр бермайдиган, дангаса), **хушзабон, хушовоз, хушомад, хушрўр** ва бошқалар;

ҳам- префикс ёрдамида отлар ясалади: **ҳамдам, ҳамдард, ҳамдўстлик, ҳамкор, ҳамхона** ва бошқалар.

пеш- префикс орқали ҳам отлар ясалади: **пешайвон, пешбанд, пешвоз, пешдаҳан, пешоб, пештаҳта, пештоқ** ва бошқалар.

Ўзбек тили газлама дизайнерлиги терминларини ясовчи аффикслар сифатида ҳам қўйидагилар тилга олинади: **-фуруш** (читфуруш, адрасфуруш, бўёқфуруш), **пеш** (пешбанд, пешгир), **сер**-(серкашта, сернақш), **бе-** (беандаза, беўлчов) [8,11]. Бундай терминларни ясовчи аффикслар сирасига – **боф** (адрасбоф, зарбоф, шойибоф) ҳамда – **дўз** (зардўз, жомадўз (чевар) кабиларни ҳам киритиш мумкин.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, форс-тожик тилидан ўзбек тилига ўтган префикс ва суффикслар дастлаб форс-тожик сўзлари таркибида қўлланган, кейинчалик ўзбек тилининг сўз ясовчи аффикслари қаторидан ўрин олиб, янги сўзларнинг ясалишида иштирок этган, шу йўл билан ўзбек тили лексикасини янада бойитган.

Адабиётлар:

1. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. – T.: Universitet, 2006.
2. Уралов А. Ўзбек тили қўшимчалари тизимида мураккаб ва “кенгайган шакл”лар. Ф.ф.ф. доктори (PhD) дисс...автореф. –Т., 2019.
3. Бердиалиев А., Хидиров Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Хўжанд: Раҳим Жалил, 2013.
4. Темиров Ш. Самарқанд вилояти оронимларининг лисоний тадқиқи. Ф.ф.ф. (PhD) дисс. автореферати, –Самарқанд, 2019.
5. Казакбаева Г.А. Арабизмы в узбекском языке в прикладном и теоретическом аспектах. Автореф. дисс. кандидата филологических наук. –М., 2012.
6. Норбоева Ш. Хоразм шеваларидағи кийим-кечак номларининг структур-семантик тадқиқи. Ф.ф.ф (PhD) дисс. автореф. –Т., 2017.
7. Аҳмедов О. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Ф.ф.д.автореферати. –Т., 2016.
8. Алиева М. Ўзбек миллий газлама дизайннерлиги терминларининг семантик-грамматик тадқиқи. Ф.ф.ф. (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2018.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)